

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

**Иқтисодиёт факультети иқтисодиёт йўналиши 461-гуруҳ талабаси
Авазов Бунёднинг “Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини
ташқил этиш ва бошқариш” фанидан**

*“Қишлоқ хўжалигида ялли ички маҳсулотларни, ялли ва пул
даромадларни кўпайтириш йўллари” мавзусида тайёрлаган*

КУРС ИШИ

Тайёрлади:

Авазов Б.

Текширди:

Турсунов И.

ҚАРШИ - 2016

Кириш

I Боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида такрор ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ва зарурлиги

- 1.1. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг аҳамияти.
- 1.2. Қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи ички маҳсулот, ялпи даромадни ҳисоблаш тартиби.

II Боб. Қишлоқ хўжалигида ялпи ички маҳсулотларни, ялпи ва пул даромадларни ҳозирги ҳолати.

- 2.1. Корхона ялпи ички маҳсулоти динамикаси.
- 2.2. Корхона фойдаси ҳақида тушунча.
- 2.3. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари даражаси.

III боб. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари

- 3.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда олинган фойда миқдорини оқилона тақсимлаш йўллари
- 3.2. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқироз шароитида фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермер хўжаликлари салоҳиятининг юқорилиги Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар учун тўғри йўл танланганлигини, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги муваффақиятлар натижаси айнан шу соҳа вакиллари фаолиятига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Албатта, ердан фойдаланиш тизимини, энг аввало, ер эгаси - дехкон манфаатларига мос тарзда ўзгартириш ва такомиллаштириш лозимлигини ҳисобга олган ҳолда ширкат хўжаликлари негизида тўлиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ҳозирги кунда фермерлик ҳаракати кишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланмоқда. Аммо шу билан бирга ушбу хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эътибор бериш лозим.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий ходисаларга боғлиқлиги хўжалик даромадларига таъсир кўрсатадиган об-ҳаво шароитлари, яъни сув тошқинлари, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар учун махсус эҳтиёт ва захира фондлари ташкил этиш зарурлиги тақоза этади. Кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш хусусиятлари унинг табиий шароитлар билан узвий алоқадорлиги туфайли жами турдаги ишлар ва уларни бажариш муддатлари мажбурий характерга эга. У ёки бу ишни вақтида бажармаслик катта йўқотишлар ва зарар куришга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир ишлаб чиқариш турини агротехник муддатлари бошланишида хўжалик тегишли моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар билан тўла таъминланган бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда”¹.

Мустақил мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги корхоналарни бу соҳада ривожланган давлат даражасига етказиш, аҳолини озиқ овқат ва бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш зарур вазифаларимиздан биридир. Мақсадга эришиш барча имкониятлардан оқилона фойдаланишни бу жараёнда янги самарали усул ва технологияларни амалга кенг татбиқ қилиниши ҳисобига корхонанинг молиявий маблағларини доимий равишда ошириб боришдир.

Республикамиз кишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар мамлакатимиз аҳолисини, энг аввало кишлоқ аҳолисини олдида турган оддий мақсад эмас. У кишлоқ меҳнаткашларидан бошлаб раҳбар ходимларнинг меҳнат фаолияти давомида юқори моддий манфаатдорлик ва меҳнат унумдорлигига эришишида кизикиш уйғотадиган кучли воситадир. Шу мақсадда ҳозирги кунда ташкил қилинаётган фермер хўжаликлари мулкий муносабатларининг урнатилганлиги, ер ва сув ресурсларидан ҳамда ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, самарадорлиги жихатидан бошқа хўжалик юритиш шакли сифатида

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Туркистон” 2011 йил 22-январ.

шаклланмоқда. Бугунги кунда аграр соҳада фермер хужаликларини янада тараккий эйтириш мақсадида республикамиз президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда ва уларнинг фаолияти қуллаб-қувватланмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизни кишлок хужалик маҳсулотларига булган эҳтиёжини кондириш ҳамда олинадиган фойда миқдорини ошириб бориш фермер хужаликлари олдига қуйилган асосий вазифалардан биридир. Бунинг учун эса, энг аввало, маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларини камайтириш, мавжуд ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш объектив заруриятга айланмоқда.

I Боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида такрор ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ва зарурлиги

1.1. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг аҳамияти.

Инсоният жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланишнинг муҳим шартлари-моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёнидир.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни бу доимий алоқадорлиги кўриб чиқиладиган ва мунтазам янгидан бошланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёни.

Жамият маҳсулотлари йиғиндисини такрор ишлаб чиқариш-ўзига ишлаб чиқаришнинг мунтазам жараёнини, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қисмини қамраб олади.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳозирги замон ишчисини-ижодий илмий – техника тараққиётини ўзлаштиришга қодир хўжалик ишлаб чиқариш ташкилотчиси, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишидан иқтисодий манфаатдор бўла оладиган ишчиларни тайёрлашда ифодаланади.

Ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш-кўп тарзли укладлилик, демократия, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, иқтисодий механизмларни янгилаш асосида мулк эгаллиги муносабатларини такрор ишлаб чиқаришни билдиради.

Такрор ишлаб чиқаришнинг учта тури мавжуд:

1. Сиқилган (торайган)-ишлаб чиқариш ўлчами камаяди;
2. Оддий такрор-ишлаб чиқариш ўлчами ўзгармайди;
3. Кенгайтирилган- такрор ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми циклдан-циклгача ўсиб боради.

Такрор ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тури микдоригина эмас, балки сифат томонларига ҳам эга. Торайган такрор ишлаб чиқаришда сон кўрсаткичлари камайиши билан бир қаторда сифат параметрларининг таназзулга юз тутиши ва иқтисодда инқироз пайдо бўлиш таҳлили билан ҳам изоҳланади. Бундай такрор ишлаб чиқариш ноиқтисодий томондан келиб чиққан (урушлар, сиёсий силсилалар) омилларга ҳам, иқтисодий – фаолиятининг нотўғри танланган мақсадлари ё табиий ёки бошқарувдаги ҳато натижасида келиб чиққан номутаносиблик омилларига ҳам бирдек боғлиқ бўлади. Торайган такрор ишлаб чиқариш алоҳида тармоқларда, ҳудудларда ва яхлитлигича халқ хўжалигида мавжуд бўлиши мумкин.

Оддий такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни аввалги сон ва сифат кўрсаткичларида қолдирилган ҳолда қайта тузишни билдиради. Оддий такрор ишлаб чиқариш барқарорликнинг иқтисодий асоси-ишлаб чиқаришнинг келгуси ривожланиши шартлари сифатида чиқади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, аввалги даврдагига таққосланганда катта микдорда маҳсулот яратиш ва ижтимоий ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари билан изоҳланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларида биринчи навбатда ишлаб чиқариш воситалари илмий-техника тараққиёти ютуқлари асосида мукаммаллаштирилади.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эга:

Иқтисодий такрор ишлаб чиқариш табиийлик билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жараёнлари ўсимликлар ва ҳайвонлар ривожланиши бўйсунадиган табиий такрор ишлаб чиқариш билан чатишиб кетган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиш муддатлари ўсимлик ва ҳайвонларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнига табиий шароит катта таъсир ўтказди. Тупроқ – иқлим шароити корхона хўжалик фаолияти натижаларини белгилайди ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Ер қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўз моддий шаклида такрор ишлаб чиқарилмайди. Тупроқ унумдорлигини ошириш-тармоқдаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг сўзсиз шартидир.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик характери унда ишчи даври ва ишлаб чиқариш даврининг бир-бирига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш муддатларига мос келувчи йиллик циклнинг давомийлик ўзига хос бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳам, истеъмол предмети сифатида ҳам фойдаланиладиган маҳсулотлар яратилади, шунинг учун қатор маҳсулотлар навбатдаги ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади (озуқа, уруғлик, чорва, хом ашё).

Қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун маълум шароитлар зарур. Улардан энг муҳими- тўғри иқтисодий механизмни яратиш, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари орасида товар алмашишида нарх паритетини ўрнатиш, инқироз суръатини пасайтириш. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун, ишлаб чиқаришда қўлланилган (истеъмол қилинган) маблағларнинг натурал ва қиймат шаклида доимий қоплаб бориш ва қўшимча ресурслар сотиб олиш учун жамғармалар таъминланиши талаб қилинади.

Қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг сўзсиз шарти-изчиллик билан ишлаб чиқаришни тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол жараёнлари ўтадиган воситаларнинг жараёнлари ўтадиган воситаларнинг тўхтовсиз доирасимон айланиши. Бунинг учун кооперация ва аграсаноат интеграцияси асосида қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг таъминотчи савдо молия ташкилотларининг ўзаро уйғунликдаги ишлари зарур.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, тармоқни илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашни талаб этади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг манбалари асосий ва айланма маблағларни тўлдириш учун фойдаланиладиган ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар бўлиши мумкин. Ўз маблағлари манбаларга даромад, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисми (озуқа уруғлик, чорва, хом ашё), қарзга банкларнинг қисқа ва узоқ муддатли кредитлари, товар кредити, жалб этилганга – пай бадаллари, дотациялар компенциялар киради.

1.2. Қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи ички маҳсулот, ялпи даромадни ҳисоблаш тартиби.

Ялпи маҳсулот тармоқда маълум давр мобайнида ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг ҳамма ҳажмини билдиради. У ўсимликчиликнинг ялпи маҳсулоти ва чорвачиликнинг ялпи маҳсулотидан иборат бўлади. Ўсимликчиликнинг ялпи маҳсулоти қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулотларини, кўп йиллик кўчатларни экиш, уларни парваришлаб ўстириш ва туғалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориш қийматларини ҳисобга олган ҳолда ялпи йиғимини қамраб олади. Чорвачиликдаги ялпи маҳсулот – бу хайвонларни сўйиш билан боғлиқ бўлмаган тайёр маҳсулотлар (сут, жун, тухум) насл олиш, ёш бузоқлар ва катта ёшли қорамолларни ўсишидан вазн ортиши, шунингдек, қўшимча маҳсулотлардир.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот натурал ва қиймат баҳоларда ифодаланади ва ҳисобга олинади. Натурал кўрсаткичларда у маҳсулотнинг алоҳида турлари бўйича аниқланади. Ялпи маҳсулот қиймати таққослама ва амалдаги Ҳақиқий жорий баҳолар (унинг товар қисми-реализация баҳосида, товар бўлмагани-таннархи бўйича) шунингдек, таннархлар бўйича ҳам ҳисоблаб чиқилади.

Ялпи маҳсулот – бу маълум даврда корxonанинг ҳамма тармоқлари томонидан ушбу маҳсулот корхона ичида фойдаланиладими ёки келгуси ишлаб чиқарилиши учунми, ёхуд бошқа томонга реализация қилинишдан, қатъий назар ишлаб чиқарилган. Маҳсулотлар ҳажмининг қиймати ялпи маҳсулотни аниқлашда оралиқ маҳсулотларнинг иккиланган ҳисобга олишга – уруғликлар озуқа ва бошқа йўлга қўйилади.

Ялпи маҳсулот – қишлоқ хўжалигини бирлаштирилган ижтимоий маҳсулотларидаги улушининг ишлаб чиқаришнинг тармоқ структуралари ишлаб чиқарилган маҳсулотлардаги хўжаликнинг алоҳида тармоқлари бўйича аниқлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш миқдосини характерловчи муҳим иқтисодий кўрсаткичдир.

Шу билан бирга ушбу кўрсаткич унинг ёрдамида корхона хўжалик фаолиятининг натижаларини объектив баҳолашга имкон бермайдиган қатор камчиликларга ҳам эга. Биринчидан, ялпи маҳсулот ўзида жонли меҳнатни қандай бўлса, моддалашган меҳнатни ҳам шундай қўлланганлик натижаларини акс эттиради, бунинг оқибатида ялпи маҳсулот бўйича ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлар, жонли меҳнатнинг роли ҳақида аниқ тасаввур бера олмайди, чунки унинг ҳажми моддий ресурслар миқдори билан боғлиқ; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг унинг ўсимликчилик ва чорвачилик бўйича сўммаси сифатида ҳисобланган ва у қайта ҳисоблашга йўл қўяди (корхонада ишлаб чиқилган ва ўша йилнинг ўзидаёқ истеъмол қилинган озуқа икки марта ҳисобга олинади: ўсимликчилик маҳсулотларининг бир қисми ва чорвалик маҳсулотлари таннархига қилинган харажатларнинг таркибий элементи сифатида); учинчидан, ялпи маҳсулотларни жорий нархларда баҳолашда унинг Ҳақиқий баҳоси пасайиб ёки кўтарилиб кетади, чунки маҳсулотнинг товар бўлмаган қисми бозор нархидан паст ёки баланд бўлиши мумкин бўлган таннарх бўйича баҳоланади; тўртинчидан,

таққосланган баҳоларда ҳисоблаб чиқилган ялпи маҳсулот кўрсаткичи маҳсулот сифатини акс эттирмайди.

Қишлоқ хўжалигининг табиий моддий шаклидаги ялпи маҳсулоти, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол предметлари кўринишида ифодаланган ишлаб чиқариш воситаларига қишлоқ хўжалигининг ичида ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган маҳсулотлар (уруғлик озуқа ва бошқалар), шунингдек саноат учун хом ашё сифатида фойдаланиладиган маҳсулотлар киради. Истеъмол предметлари-бу ялпи маҳсулотнинг қайта ишланмасдан бевосита истеъмолга тушадиган қисми (сабзавотлар, мевалар, сут, тухум ва ҳоказо).

Қиймати бўйича қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти икки қисмдан иборат бўлади: ишлаб чиқаришнинг истеъмол қилинган воситалари (С) қиймати ва янгидан яратилган қиймат (в+м). Умуман, ялпи маҳсулот қиймат шаклида қуйидагича кўринишда бўлади: $c + v + m$ (13-расм).

Такрор ишлаб чиқаришнинг асосий шарти оддий ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплаш. Бунинг учун харажатларни қоплаш фонди шакллантирилади. Ялпи даромад шахсий истеъмол фонди (ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш) ва соф даромадга бўлинади.

И. Ялпи маҳсулот ($c+v+m$)

1. Қоплаш фонди (моддий харажатлар, с);
2. Шахсий истеъмол фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш, в);
3. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар.
4. Ялпи даромад (соф маҳсулот, $v+m$);
5. Соф даромад (м);
6. Жамғарилган фонд
7. Ижтимоий истеъмол жамғармалари (бепул таълим олиш, даволаниш, дам олиш ва бошқалар).

Соф даромаддан бюджетга солиқ тўлаш, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар (нафақа, ижтимоий суғурта, бандлик ва бошқалар), ижтимоий истеъмол жамғармаси ва жамғарилган фондларни шакллантириш учун фойдаланилади.

Шу тариқа қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини тақсимлашдан такрор ишлаб чиқаришнинг қоплаш, истеъмол ва жамғарилган фондлари шаклланади.

Қоплаш фонди ўзида ишлаб чиқариш жараёнида, истеъмол қилинган предмет ва меҳнат воситалари ялпи маҳсулоти қийматининг бир қисмини ифодалайди. У амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш билан моддий харажатлар сўммасига тенг.

Истеъмол фонди – ялпи даромаднинг бир қисми яъни меҳнатга ҳақ тўлаш ва жамоанинг шахсий ва умумий эҳтиёж (талаб)ларини қондиришга кетадиган янгидан яратилган қиймат. У меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва соф даромаднинг истеъмолда фойдаланиладиган бир қисмидан иборат.

Тўпланган фонд, соф даромаднинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун ажратилган бир қисми.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш, қиймат ва натурал шаклда амалга оширилади. Бу такрор ишлаб чиқариш фондларига ҳам тааллуқли. Қишлоқ

хўжалигида бу фондларни натурал ҳолда шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунда натурал-моддий таркиб бўйича фондларнинг сезиларли қисми хусусий ишлаб чиқариш маҳсулотларидан шакллантирилади.

Сарфланган уруғлик ва озуқа йиғилган ҳосилнинг бир қисми билан қопланади. Уруғлик ва ем-хашак фондларининг кўпайиши (жамғарилган фонд) ҳам асосан ўз маҳсулотлари ҳисобига ишлаб чиқарилади. Ўртача даражада хўжаликда натурал шаклда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминланади.

II Боб. Қишлоқ хўжалигида ялпи ички маҳсулотларни, ялпи ва пул даромадларни ҳозирги ҳолати.

2.1. Корхона ялпи ички маҳсулоти динамикаси

Қишлоқ хўжалигидаги барча корхоналар, ташкилотлар зиммаларидаги асосий вазифасини бажариш учун ишлаб чиқариш жараёнида турли ишларни, хизматларни амалга оширадилар, хилма-хил маҳсулотларни етиштирадилар, хизматларни адо этадилар. Жумладан, пахта, буғдой, шоли, маккажўхори, картошка, карам, помидор, сабзи, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларни етиштирадилар. Етиштирилган бу каби маҳсулотлар уларнинг ялпи маҳсулоти натурал миқдорини ифодалайди. Лекин, бу натурал кўрсаткичлар хўжаликларнинг йиллик фаолиятини тўлиқ ифодалай олмайди, чунки уларни натура ҳолида бир-бирига кўшиб бўлмайди. Шунинг учун ялпи маҳсулот қиймат шаклида аниқланиши лозим. Бунинг учун етиштирилган барча маҳсулотларнинг қиймати кўшилган ҳолда аниқланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бир йиллик ҳамда бир неча йиллик фаолиятини таҳлил этиш мақсадида ялпи маҳсулотнинг қиймати ҳар йилги ҳақиқий ҳамда қиёсий баҳоларда ҳисобланади. Ҳозирги даврда қиёсий баҳолар сифатида 1996 йилдаги ҳақиқий баҳоларнинг ўртача йиллик миқдори олинган. Маълум йиллардан сўнг бошқа йилнинг ўртача баҳолари олиниши мумкин.

Демак, қишлоқ хўжалигида натура ҳолида етиштирилган турли хилдаги маҳсулотлар тармоқнинг натура ҳолдаги ялпи маҳсулоти дейилади. Тармоқда натура ҳолда етиштирилган маҳсулотларнинг қиймат ҳолидаги умумий йиғиндиси эса қишлоқ хўжалигининг қиймат ҳолидаги ялпи маҳсулоти деб аталади. Тармоқда етиштириладиган ялпи маҳсулот қиймати алоҳида маҳсулот турлари, тармоқлар ва хўжалик бўйича аниқланади. Ялпи маҳсулот тармоқнинг, корхонанинг бир йиллик фаолиятини ифодаловчи умумий кўрсаткичдир. Қиймат шаклида ҳисобланган ялпи маҳсулотнинг таркиби қуйидагича бўлади:

1. Тайёр маҳсулот;
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида бир йил давомида етиштирилиб, йиғиштирилиб, ҳисобга олинган, тақсимлашга ва сотишга тайёр бўлган маҳсулот қишлоқ хўжалигининг тайёр маҳсулоти ҳисобланади.

Келгуси йилларда маҳсулотлар етиштириш учун сарфланадиган харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Жумладан, келгуси йилда

пахта, буғдой, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун жорий йилда ерларни ҳайдаш, текислаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, келгуси йилда гўшт етиштириш учун жорий йилда харажатлар қилинади. Бундай харажатлар боғдорчиликда ҳам мавжуд.

Натура ҳолдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турлари бўйича алоҳида-алоҳида, ўсимликчилик маҳсулотлари ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ялпи ҳажми ҳам қиймат ҳолида ҳисобланади. Бу маҳсулотлар бир йиллик ҳажмининг қиймати шу йилги ҳақиқий баҳоларда қуйидагича аниқланади:

- сотилган маҳсулотлар сотиш баҳоларида;
- хўжалик ички эҳтиёжи учун берилганлари уларнинг таннархлари бўйича.

Лекин бозор иқтисодиёти шароитида бу усул хўжалик эҳтиёжларини, ишлаб чиқариш билан шуғулланганларнинг моддий манфаатдорлиги ошишини етарли даражада таъминлай олмайди. Маҳсулотлар таннархда белгиланганлиги учун фойда ололмайдилар. Фойда бўлмагач, ишчиларни маҳсулот ишлаб чиқариш натижасига кўра, рағбатлантириб бўлмайди. Шунинг учун ички эҳтиёжларга берилган маҳсулотларнинг қийматини ҳам ўртача сотиш баҳоларида аниқлаш ёки ички баҳоларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг турлари, тармоқлар миқёсида қиймати ҳақиқий баҳоларда аниқланиши натижасида улардан ҳар бирининг жами ялпи маҳсулот қийматидаги салмоғини аниқлаб, таҳлил қилиш, бу кўрсаткичлар асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиётини таққослаб, умумий хулосалар чиқариш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини, унинг йиллар бўйича ўзгаришини, шунингдек ердан моддий ва меҳнат ресурсларидан (ернинг унумдорлиги, фондларидан фойда, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) ва бошқа мақсадларда фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун, ялпи маҳсулотларни таққослама баҳоларда баҳоланади. Ҳозир қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун уларнинг пул қийматининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда 1990 ва 2001 йилги таққослама нархлар амал қилади. Масалан, 1 т. буғдойнинг нархи 100,5 минг сўмга, пахта – 5,57 сўмга, сут-400 минг сўмга тенг. Амалдаги (жорий) нархлардан ялпи маҳсулотларни баҳолашда ялпи ва соф даромадни ҳисоблаб чиқишда фойдаланадилар. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларининг нархи амалдаги баҳоларда инқироз туфайли нарх ошиши ҳисобига кескин кўтарилди. Натурал ифодадаги таққослама нархларда қисқарди.(2.1.1-жадвал)

2.1.1-жадвал

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотлари

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010
Амалдаги нархларда ялпи маҳсулот, млрд сўм	11310,7	12642,6	15810,7
ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши, %	104,5	105,7	106,8
Қишлоқ хўжалигида ЯМнинг ўсиши,%	104,5	105,7	106,8
Шу жумладан:			
Ўсимликчиликда, млрд сўм	6051,2	7218,9	9391,6
Ўсимликчилик маҳсулотларининг	102,8	105,9	106,6

Ўсиши, %			
Чорвачиликда, млрд сўм	5259,5	5423,7	6419,1
Чорвачилик маҳсулотларининг ўсиши, %	106,7	105,5	107,0

Юқоридаги жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, республикада ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қиймати йил сайин ошиб борган.

2.2. Корхона фойдаси ҳақида тушунча.

Фойда ва фойдалилик – барча корхоналар каби қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг энг асосий ва яқуний кўрсаткичидир.

Фойда миқдори ва фойдалилик даражаси корхонанинг қанчалик самарали ташкил этилганлигини, унинг ривожланиш даражасини, рақобатбардошлигини, иқтисоий барқарорлигини кўрсатади.

Ҳозир амалда қўлланилаётган низомга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришда фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари қўлланилади:

1. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда. Бу маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

$$ЯФ = ССТ - ИТ ;$$

Бунда: ЯФ – ялпи фойда;

ССТ – сотишдан олинган соф тушум;

ИТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

2. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда. Бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойд билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади.

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$$

Бунда: АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

3. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарар. Бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва минус кўрилган зарарлар сифатида аниқланади.

$$УФ = АФФ + МД - МЗ$$

Бунда: УФ – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МЗ – молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар.

4. Солиқ тўлангунгача олинган фойда. Бу умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарарлар сифатида аниқланади.

$$СТФ = УФ + ФФ - ФЗ ;$$

Бунда: СТФ – солиқ тўлагунгача бўлган фойда;

ФФ – фавкулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ – фавкулодда вазиятларда кўрилган зарар.

5. Йилнинг соф фойдаси. Бу солиқ тўлагандан кейин хўжалик юритувчи субъект, яъни корхона (фирма) ихтиёрида қоладиган ҳамда хўжалик субъекти мустақил тасарруф этадиган фойда. Уни солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойдадан, даромаддан солиқни ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда аниқланади.

$СФ = СТФ - ДС - БС$;

Бунда: СФ – соф фойда;

ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқлар;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

2.2.1- жадвал

Чироқчи тумани «Тошпулат бобо Урал» фермер хўжалигида деҳқончилик маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ц/га

Экин тури	Йиллар			2009 йил 2007 йилга нисбатан +/-
	2007	2008	2009	
Ғалла	41,5	60,3	42,0	101,2
Пахта	53,4	35,4	36	67,4
Полиз	-	180,5	210,7	+30,2
Беда	177,0	-	210,0	118,6

Хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхона(фирма)лар томонидан улар хўжалик фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромадларнинг манбалари қуйидагилар:

- Сотишдан олинган соф тушум;
- Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари);
- Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- Фавкулодда даромадлар.

Корхона даромадининг асосий манбаси–маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан келиб тушадиган пул тушумидир.

Маҳсулот тури	2007 йил	2009 йил	2009 йил 2007 йилга нисбатан, % да
1. Ғалла			

Майдон, гектар	2,0	20	1000,0
Ҳосилдорлик ц/га	41,5	42	101,2
Ялпи ҳосил тонна	83,0	840	1010,2
1 центнер маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	160,00	20200	126,3
Ялпи даромад	1328	16968	1277,7
Жами харажат	762,4	12300	1613,3
Фойда, сўм	+565,6	+4668	825,3
рентабеллик, %	74,2	379,5	51,1
2. Пахта			
Майдони, гектар	6,0	40	666,7
Ҳосилдорлик ц/га	53,4	36	67,4
Ялпи ҳосил тонна	32,0	144,0	449,4
1 центнер маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	37360	49540	132,6
Ялпи даромад, сўм	11955,2	71337,6	596,7
Жами харажат сўм	8340	50240	602,4
Фойда, сўм	3651,2	21097,6	583,6
Рентабеллик 5 %	43,3	41,9	-1,4

2.2.2 - жадвал

Чирокчи тумани «Тошпулат бобо Урал» фермер хўжалигининг деҳқончилик маҳсулотлари етиштиридан эришган молиявий иқтисодий кўрсаткичлар

Соф пул тушуми бу – умумий пул тушумидан қўшилган қиймат, акциз солиғи ва экспорт божи олиб ташлангандан қолгани.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган бошқа даромадларга ундирилган ёки эътироф этилган қарзлар, ҳисобот йилида олинган ўтган йиги фойда, ошхоналар ва ёрдамчи хизмат даромадлари, асосий воситаларни тугатишдан келган даромадлар, давлат субсидиялари, ҳолисона моддий ёрдам ва бошқа даромадлар киради.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга – олинган сармоя трансферти, қийматли қоғозлар бўйича даромадлар, мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш), валюта счётидаги ижобий курс тафовутлари, қийматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган ва бошқа даромадлар киради.

Фавқулодда фойда – бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдалар.

2.3. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари даражаси.

Қишлоқ хўжалиги ва унинг асосий ташкилий шакли бўлган фермер хўжаликларини ривожлантириш билан боғлиқ турли-туман тадбирларга ҳолисона баҳо бермасдан унинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.

Иқтисодий самарадорликнинг асосий мезони қанчалик тўла ва аниқ жараёни ҳамма томонларини, ишлаб чиқаришнинг ҳамма омиллари ҳаракатини тўла акс эттира олмайди.

Масалан, фермер хўжалигининг ялпи даромади йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бу хўжалик фаолияти ижобий йўналишда бораётганлигини кўрсатади. Аммо бу ўсишга нима ҳисобига эришилаётганлиги, қайси омиллар қандай таъсир этаётганлиги, келажакда қайси омилга кўпроқ эътибор бериш кераклигини кўрсатмайди. Шунинг учун корхона фаолиятига таъсир этувчи ҳар бир омил ҳаракатини ифода этувчи ўзига хос кўрсаткичларни билиш керак. Шунинг учун фақат кўрсаткичлар тизими фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини комплекс таҳлил қилиш ва ишончли хулосалар чиқариш, тўғри қарорлар қабул қилиш имконини беради.

2.3.1 - жадвал

Чироқчи тумани «Тошпулат бобо Урал» фермер хўжалигининг 1 центнер пахта таннархи таркиби

Т/р	Харажатлар	2007		2009		Ўтган йилга нисбатан +/-	
		Сўм	%	Сўм	%	Сўм	%
1	Меҳнат ҳақи	9342,8	45,2	23146,7	48,1	+43803,9	+40,7
2	ЁММ	3203,8	15,5	24373,1	16,0	+21169,3	+36,5
3	Уруғлик	516,7	2,5	655,9	2,4	+139,2	+26,9
4	Ўғит	1074,8	5,2	3585,2	5,8	+2510,4	+47,4
5	Транспорт	599,4	2,9	547,0	2,10	+25,4	-4,2
6	Амортизация	1550,2	7,2	2694,5	6,2	+2144,3	+9,3
7	Жорий ремонт	1260,8	6,1	1885,9	6,9	+625,1	+49,5
8	Бошқа сарфлар	888,8	4,3	1038,6	3,8	+149,8	+16,8
9	Умум ишлаб чиқариш ва умум хўжалик харажатлари	2294,3	11,1	2377,9	8,7	+83,6	+3,6

Фермер хўжалиги фаолияти ва ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эсдан чиқармаслик керак. Чунки биологик жараён ва турли табиий иқлим шароитлари ишлаб чиқариш натижаларига турлича таъсир этади. Фермер хўжаликлари бир хил меҳнат сарф қилган ҳолда турли шаклларда ва турли йилларда турли натижаларга эришиши

мумкин. Фермер хўжаликлари фаолиятига баҳо беришда ҳамма кўрсаткичларни икки гуруҳга: натура кўрсаткичларига ва қиймат кўрсаткичларига бўлиш мумкин.

Натура кўрсаткичлари иқтисодий самарадорликни бевосита ифода қилмасда, бу кўрсаткичларсиз тадбирга тўла баҳо бериб бўлмайди. Чунки натура кўрсаткичлари жараённинг интенсивлигини ифодалайди. Қишлоқ хўжалигини хусусияти кўра, ер асосий восита бўлганлиги, уни табиатдан чекланганлиги, бошқа воситалар каби инсон уни хоҳлаганича кўпайтира олмаслиги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни интенсив бўлишини зарурият қилиб қўяди. Шунинг учун 1 гектар ердан олинadиган маҳсулот, яъни ҳосилни, чорва маҳсулдорлигини ошириш, ҳар бир фермер хўжалигининг асосий вазифаси ҳисобланади. Фермер хўжалигида олинган маҳсулот ва даромад турли ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро интеграл (функционал) алоқаси натижаси бўлганлиги учун қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Қиймат кўрсаткичлари нафақат ўлчов вазифасини ўтайди, шу билан бирга иқтисодий мазмунга эга бўлиб, товар-пул муносабатларини ҳам ифода қилади.

2.3.2 - жадвал

Чироқчи тумани «Тошпулат бобо Урал» фермер хўжалигининг молиявий натижалари (минг сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	2007 йил		2009 йил		Ҳисобот даврида ўзгариш	
		Даромад (фойда)	Харажат (зарар)	Даромад (фойда)	Харажат (зарар)	Даромад (фойда)	Харажат (зарар)
1	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	9078,9	х	126527,4	х	+117448,5	х
2	Давр харажати	х	5205,1	х	96340,3	х	+91134,8
	Сотиш харажати	х	8644,3	х	15224,0	х	+6579,7
4	Маъмурий харажатлар	х	1365,9	х	1608,0	х	+242,1
5	Асосий фаолиятнинг фойдаси	3289,8	х	24971,0	х	+21681,2	х
6	Даромад (фойда) солигини тўлангунга қадар фойда	3289,8	х	4971,0	х	1681,2	х
7	Фойдадан солиқ ва йиғимлар	х	1583,3	х	21888,0	х	20304,7
8	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	1706,5	х	23083,0	х	21376,5	х

Иқтисодий самарадорликни ифода этувчи энг асосий кўрсаткичлар куйидагилардир:

- Ялпи маҳсулотни шу маҳсулотни етиштириши учун сарфланган жонли ва буюмлашган харажатлар қийматига нисбати:

$$Исм = \frac{ЯМ}{ИХ + К \times АФ};$$

Бунда: Исм – иқтисодий самара;

ЯМ – ялпи маҳсулот қиймати;

ИХ – жорий ишлаб чиқариш харажатлари;

К – асосий фонд ва капитал сарфларидан фойдаланиш коэффиценти;

АФ – фермер хўжалигининг асосий фондлари;

Ялпи маҳсулот фермер хўжалиги асосий фаолиятининг натижавий кўрсаткичи ҳисобланади. Ялпи маҳсулот корхона хўжалик ҳисоби фаолияти учун жорий баҳоларда маълум таҳлилий хулосалар чиқариш, мавжуд ресурслардан (меҳнат, моддий в.х.) фойдаланиш диманикасини аниқлаш мақсадида қиёсий, яъни таққослама баҳоларда ҳисобга олиб борилади. Фермер хўжалиги қанча кўп ва сифатли маҳсулотлар етиштирса, уларни юқори баҳоларда сотса шунча кўп ялпи маҳсулот етиштирган бўлади. Бундан ташқари маҳсулот етиштириш учун қанча кам маблағ сарф қилган бўлса, шунча кўп самара олган бўлади. Бу формула маҳсулот етиштириш учун хўжалик қанча кам жорий сарф харажат ва асосий фондларни жалб қилган бўлса шу харажатлар бирлигига кўпроқ маҳсулот етиштирганлигини ифода қилади.

Ялпи даромаднинг уни яратган сарф-харажатларга нисбати:

$$Исд = \frac{ЯД}{ИХ + К * АФ};$$

Бунда: ЯД – фермер хўжалигининг ялпи даромади;

Ялпи даромад (корхонани соф маҳсулоти) ҳамма шаклидаги корхоналар учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бу даромад ҳам истеъмол, ҳам корхонани кенгайтириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун асосий маблағ манбаи ҳисобланади. Ялпи даромад миқдори фермер хўжалигининг ялпи маҳсулоти ҳажмидан шу маҳсулотни етиштириш учун кетган материал ва хизматлар қийматини чегаралаб ташлаш орқали аниқланади.

- Меҳнат унумдорлиги. Бу кўрсаткич фермер хўжалигида меҳнатни самарадорлигини кўрсатади. Фермер хўжалигида ўртача йиллик ходим, сарфланган киши-куни, киши-соатига етиштирилган ялпи маҳсулот ва ялпи даромад миқдори билан ифодаланади.

- Маҳсулот таннархи. Бу кўрсаткич ишлаб чиқаришга ва фермер хўжалиги фаолиятига иқтисодий баҳо беришда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бир йилда етиштирилган маҳсулотига қанча жорий хўражатлар қилинганлигини ифода этади. Эркин рақобат амал қилган бозор иқтисоди шароитида ҳар бир корхона маҳсулотининг нархи бозор баҳосига катта таъсир этолмайди. Аммо етиштираётган маҳсулотига қилинаётган харажатлар даражаси, яъни маҳсулот таннархи корхона фаолиятига бевосита боғлиқ. Шунинг учун корхона харажатларини камайтирадиган технологияларни қўллаши, экинлар ҳосилдорлигининг, чорва маҳсулдорлигининг устун даражада ўсишини таъминлаши, маҳсулот бирлигига

харажатларни камайтиришга, таннарх пасийишига ва натижада ялпи даромад ҳамда фойда ошишига олиб келади.

- Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этишда ишлаб чиқаришни асосий ресурслари (омиллари) бўлган ер ва асосий ҳамда айланма фондлардан самарали фойдаланишни ифода этувчи кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга етиштирилган ялпи маҳсулот ва ялпи даромад, 1 сўмлик асосий ва айланма фондларга етиштирилган ялпи маҳсулот (фонд қайтими) ёки 1 сўмлик ялпи маҳсулотга тўғри келадиган фондлар (фонд сифими), айланма фондларнинг айланиш коэффициенти в.х.

III боб. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари

3.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда олинган фойда миқдорини оқилона тақсимлаш йўллари

Қишлоқ хўжалигининг пул даромадларини, ялпи ва соф фойдаларини келажакда янада кўпайтириш унинг барча тармоқларида бозор иқтисоди талабларига мос келадиган ташкилий, техникавий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирлар тизими ҳаётга ўз вақтида, сифатли татбиқ этилишини объектив равишда тақозо этади.

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

1. Қишлоқ хўжалигида ялпи ҳосилни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тадбирлари:

- экинларнинг серҳосил навларини, чорва ҳайвонларининг эса сермаҳсул зотларини яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинларни сув билан таъминлаш тадбирларини ривожлантириш;
- чорва ҳайвонларини сифатли озуқа билан таъминлаш ва озиклантиришни талаб даражасида амалга ошириш;
- экологияни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларида маҳаллий, маданий ўғитлардан ҳамда кимёвий воситалардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни талаб даражасида таъминлаш;
- маҳсулотларнинг сифатини, уларни ташиш ва сақлаш жараёнларини яхшилаш тадбирларини тезкорлик билан амалга ошириш ва бошқалар.

2. Қишлоқ хўжалигида модий, меҳнат ва пул харажатлари тежалишини таъминловчи тадбирлар:

- ишлаб чиқаришни самарали жойлаштириш, ихтисослаштириш ва ташкил этишни жадаллаштириш;
- янги техникаларни, илғор технологияларни жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш натижасида иш жараёнларини тўлиқ механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш;
- ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини ривожлантириш;

- давр ҳамда молиявий харажатларни имконият даражасида камайтириш ва бошқалар.

3. Бозор иқтисоди муносабатларини қишлоқ хўжалигига жорий этишни эркинлаштириш ва жадаллаштириш тадбирлари:

- саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, сотишни эркинлаштириш, улар ўртасидаги эквивалентликни таъминловчи тадбирлар жорий этилишини жадаллаштириш;

- нодавлат мулкчилик шакллари барпо этилишига асосланган тадбиркорлик турларини ривожлантириш;

- инвестициялар жалб этилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни жорий этиш;

- биржаларнинг турларини ривожлантириш;

- суғурта ишларини ривожлантириш ва бошқалар.

Бу тадбирлар, аввало, етиштириладиган маҳсулотлар миқдорини талаб даражасида кўпайтиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши зарур. Маҳсулотлар миқдори экин майдонларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтирилиши мумкин. Экин майдонларини кўпайтириш учун янги ерларни ўзлаштириш талаб этилади. Лекин бу тадбир чекланган. Шунинг учун асосий эътиборни экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратиш зарур. Бунинг учун экинларнинг янги, серҳосил, тезпишар навларини яратиш, ирригация, мелиорация, агротехник, кимёвий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида тупроқнинг унумдорлиги ошишини таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда экинларни алмашлаб экишни илмий асосланган ҳолда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Алоҳида эътибор ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилиши зарур.

Юқоридагилар билан бирга ишлаб чиқариш, давр ҳамда молиявий харажатлар ҳажмини қисқартириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун корхоналарнинг, меҳнатнинг оқилона шакллари ташкил этиш талаб этилади.

Янги техника, илғор технологияларни ҳаётга жорий этиш натижасида жонли меҳнат харажатлари камайишини исботлаш лозим. Бу жараённинг ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, агросаноат интеграциясининг ривожланиши билан бевосита боғлиқлигини исботлаш зарур. Чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ҳам ошириш лозим. Бунинг учун наслчилик ишларини йўлга солиш зарур. Чорва ҳайвонларини тўйимли ем-хашак билан таъминлашга эришиш мақсадга мувофиқдир. Бу тармоқда ҳам барча харажатларни қисқартириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар сифатли амалга оширилишини таъминлаш зарур.

Ялпи фойданинг кўпайиши маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар камайишини тақозо этади. Шунинг учун маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган бўлимлар, ташкилотлар сонини қисқартириб, бевосита алоқаларга ўтишни таъминлаш лозим. Ҳозирги даврдаги мавжуд бўлган ягона ер солиғини, тўловлар, кредит ставкаларини тартибга солиш натижасида соф фойда суммаси кўпаяди. Юқорида таъкидланган иқтисодий категорияларнинг кўпайиши, ривожлантирилиши, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги ошишини таъминлайди.

Тармоқда ишлаб чиқарилган ўсимликчилик маҳсулотларини (айниқса буғдой, пахта хом-ашёси) сотиш хажмининг ошиши ҳамда уларнинг нархларининг ошиши натижасида ширкат ва фермер хўжаликларининг пул тушумлари ошиб борган.

Лекин шу сотиб олинган маҳсулотлар учун маблағнинг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги учун хўжаликларнинг пул тушумлари тез сурътлар билан ошаётгани йўқ. Демак, келажакда товар пул муносабатларини, яъни тўлов тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериш лозим. Эндиликда, пахта тозалаш дон маҳсулотлари учун маблағни контракция шартномаларида кўрсатилган муддатларда тўлашлари зарур. 2004 йилда шу масала бўйича қишлоқ хўжалик субъектларидан 565 таси хўжалик судларига мурожаат қилганлар. Бу ҳол эркин бозор муносабатларини ҳам бажарилмаётганлигидан далolat беради. Шунинг учун келажакда барча эркин бозор муносабатларини ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳисоб-китобларга кўра, қишлоқ хўжаликлари корхоналари ўсимликчилик маҳсулотлари хажмини 2004 йилда оширишга эришганлари муносабати билан ўзларининг ялпи ва соф фойда суммасини кўпайишини кутмоқдалар. Айтиқса, соф фойда суммасининг кўпайиши корхоналарни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланишини таъминлаш билан биргаликда уларнинг меҳнат ресурсларини рағбатлантириш ҳам таъминлаш имкониятини беради. Бу ҳол ўз навбатида аҳолини турмуш даражасини юксалишини таъминлайди.

3.2. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқироз шароитида фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;

- иқтисодиётда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Ўзбек миллий автомагистралли» лойиҳасини, яъни 4 қаторли халқаро автомобиль йўли қурилишини амалга ошириш;

- кичик бизнес ва тадбиркорликни, айнан янги ташкил қилинаётган кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб-қувватлаш;

- маҳаллийлаштириш дастурига асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдорини 3,1 баробарга ва шу борадаги лойиҳалар сонини 3,5 баробарга ошириш ва ҳоказо.

Ўз моҳиятига кўра ушбу чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилиши жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини пасайтиради ва барқарор ривожланиш учун қулай шарт-шароит ва имкониятларни яратади.

Маълумки, шу йилнинг 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз маърузаларида қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб бердилар:

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;

- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;

- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;

- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;

- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;

- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш;

- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш².

² Президент Ислон Каримовнинг 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси.

Мазкур йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПП-1046 сонли Қарори асосида кучга киритилди.

Хулоса ва таклифлар

Ушбу курс иши Чироқчи тумани “Тошпулат бобо Урал” фермер хўжалиги мисолида ёзилган бўлиб, хўжаликнинг 2007 – 2009 йиллар маълумотларидан фойдаланилган бўлиб, жаҳон маолиявий – иқтисодий инқироз шароитида ушбу хўжаликда ялпи ички маҳсулотларни, ялпи ва пул даромадларни кўпайтириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди

- фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган услуб ва шаклларини такомиллаштириш, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалигини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш;

- бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

- қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш;

- фермер хўжаликларининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларига риоя этилишини назорат этиш;

- фермерларнинг тадбиркорлик эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза этиш, қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик ва ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

- фермерларнинг барқарор даромад олишлари учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мутаносиблик, яъни «баҳолар паритети»ни сақлаб бориш;

- уларни илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрирда)// Халқ сўзи. – 15 октябр 2004 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар.- Т.:Ўзбекистон. 1992. – 19 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”// Ж. Солиқ тўловчи журнали. 1998. № 7 – 8. – 12 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. //Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. – Т.: Шарқ 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июн 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари.– Т.: Фан. 2003. – 7б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 12 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори.// Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 41 б.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. 30 январ
12. И.А.Каримов. БМТ саммити мингйиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2010 й. 22 сентябр
13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябрь.
14. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-траққиётимизнинг муҳим омилидир. “Туркистон” 2010 йил 8-декабрь.
15. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т: Янги аср авлоди, - 2004. – 143 б.

16. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004.- 304 б.
17. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Т.: Фан ва технология, 2010. – 470б.
18. Салимов Б.Т. ва б. Дехкон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. 2004.–10б.
19. Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари. Т.: Фан ва технология, 2010, - 148 б.
20. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси ҳисоботлари.
21. Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳисоботлари.
22. http://www.usda_programs
23. <http://www.iuf.ru/>
24. <http://geliopax.tele-kom.ru>
25. <http://www.usaidmicro.org>